

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018. Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НЕМАТОВ ЭРКИНЖОН ҲАМРОЕВИЧ

**МИНЕРАЛ ХОМАШЁЛАРНИ МАЙДАЛАЙДИГАН РОТАЦИОН ТУРДАГИ
ЮРИТМАЛАРНИНГ КИНЕМАТИКАСИ ВА ДИНАМИКАСИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.02.02 – Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина
деталлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Нематов Эркинжон Ҳамроевич

Минерал хомашёларни майдалайдиган ротацион турдаги юритмаларнинг
кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш3

Нематов Эркинжон Ҳамроевич

Моделирование кинематики и динамики приводов ротационного типа
измельчителей минерального сырья21

Nematov Erkinjon Hamroevich

Modeling of kinematics and dynamics of drives of rotational type of crushers
of mineral raw materials39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018. Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НЕМАТОВ ЭРКИНЖОН ҲАМРОЕВИЧ

**МИНЕРАЛ ХОМАШЁЛАРНИ МАЙДАЛАЙДИГАН РОТАЦИОН ТУРДАГИ
ЮРИТМАЛАРНИНГ КИНЕМАТИКАСИ ВА ДИНАМИКАСИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.02.02 – Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина
деталлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т360 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Расул Исмоқович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимухаммедов Шавкат Пирмухаммедович
техника фанлари доктори, профессор

Умурзаков Акрамжон Хакимович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва
иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «12» октябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-46-00/ 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (109 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00).

Диссертация автореферати 2019 йил «28» сентябрь куни тарқатилди.
(2019 йил «28» сентябрдаги 98 рақамли реестр баённомаси).

К.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Н.Д. Тураходжаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

А.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда машинасозлик саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари учун жаҳон стандартларига мос, юқори технологиялар, машиналар ва механизмларнинг янги қурилмаларини яратиш, назарий тадқиқотлар олиб бориш, долзарб илмий-амалий масалаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, замонавий машина ва механизмлар назариясининг асосий масалаларидан бири бўлган ротацион турдаги юритмаларни кинематик ва динамик моделлаштириш муҳим вазифалардан саналади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан, Англия, Швеция, Хитой, Россия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида ишлаб чиқаришда инерция моменти ўзгарувчан ротацион турдаги юритмаларни лойиҳалашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай масалаларнинг долзарблиги математик моделлари мураккаблиги, уларни ечишда компьютер технологиясининг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланиш зарурлиги билан белгиланади. Машина ва механизмлар назарияси бўйича халқаро ташкилот (IFToMM) ўзининг қарорларида ротацион турдаги юритмалар устидаги тадқиқотларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлаган. Замонавий технологик машиналарда оддий ва мураккаб ҳаракатланувчи звеноларнинг ротацион юритмалари кенг қўлланилади. Бу юритмаларда технологик жараёнлар билан боғлиқ бўлган ишчи орган инерция моменти ўзгарувчанлигини инобатга олган ҳолда тадқиқотлар ўтказишга эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда замонавий ротацион турдаги машиналар минерал хомашёларни майдалалашда кенг қўлланилмоқда. Ротацион турдаги конструкцияларни яратиш, механизм ва машиналарни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш учун кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу механизмларни технологик машиналарда қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда. Самарали, технологик кўрсаткичлари такомиллаштирилган майдалагич машиналарини ишлаб чиқиш, минерал хомашёларни ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш, рационал режим ва кўрсаткичларни таъминлаш, озиқ-овқат тоғ-кон ва қурилиш саноатида, фармацевтика ва бошқа соҳаларда замонавий қурилмаларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда ротацион турдаги юритмаларни, механизмларни яратиш ҳамда келгуси илмий тадқиқотларини ривожлантириш ва янги назарий ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»¹ вазифаси белгилаб берилган. Шу муносабат билан минерал хомашёни майдалашда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

планетар юритмали машиналарнинг истиқболли янги конструкцияларни яратиш, қисмлари ресурстежамкор майдалагичнинг деталларини тайёрлаш учун асосий конструктив параметрларни аниқлаш, энергия сарфини камайтириш, қисмларининг янги конструкцияларини тайёрлаш, технологиясини яратиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан ротацион механизмларнинг структураси, кинематикаси ва динамикасини ривожлантириш борасида тадқиқотлар олиб борилган. Машина ва механизмлар назарияси йўналиши бўйича дунёнинг етакчи олимлари иш олиб бормоқдалар. Жумладан Англия олими David Irwin ўз илмий ишларида бир массали ротацион механизмларнинг динамик ва математик моделларини ишлаб чиққан ва шу механизмларнинг валларига таъсир этадиган юкланишларни ҳисоблаган. Швеция олими A. Trzynadlowski ўз ишида ротацион механизмларни машина агрегат кўринишида тадқиқ қилган. Машина агрегатининг юритмаси сифатида асинхрон электродвигатель ишлатилган. Асинхрон электродвигателнинг статик, механик характеристикаси қўлланилган. Швед олимлари L. Wanbammар, G.J. Lipovski ва бошқалар томонидан икки массали ротацион механизмнинг динамикаси кўриб чиқилган. Улар томонидан бир массага таъсир этадиган ҳаракатлантирувчи момент ўзгармас деб қабул қилинган. Бундан ташқари кўрилган ротацион механизмни бошқариш усуллари ҳам ишлаб чиқилган. Ҳинд олимларидан N.K. Sinba, M.M. Gupta томонидан етакланувчи звено етакловчи звено ўқи атрофида айланадиган ротацион системаларнинг кинематик ва динамик моделлари ишлаб чиқилган. Математик моделларни компьютерда ҳисоблаш учун дастур ишлаб чиқилган. Натижада механизм звеноларининг тезлиги, тезланиши, кинематик жуфтларидаги реакция кучлари аниқланган. Хитой олимларидан Ni Xi, Tu Ji ва бошқалар ўз илмий ишларида икки массали ротацион механизмларни кинематикаси ва динамикасини таҳлил қилишган, кўп массали ротацион системалар учун динамик ва математик моделларни ишлаб чиқиб, ротацион системаларни мувозанатлаш масалаларини ечишган.

Россия олимлари И.И.Артоболевский томонидан кўплаб ротацион механизмларнинг кинематик схемалари ва бу механизмларни қўллаш соҳалари келтирилган. Олим томонидан таклиф этилган механизмларнинг кинематикаси ва динамикаси ишлаб чиқилган. С.Н.Кожевников томонидан кўп массали ротацион механизмларнинг умумий назарияси ишлаб чиқилган. Бу ишларда динамик ва математик моделларини тузиш усуллари келтирилган. Ҳар бир массанинг тезлик-тезланишлари ва массалар орасидаги буровчи моментлар аниқланган. Илмий натижалар замонавий прокат дастгоҳларини лойиҳалашда ва ишлаб чиқишда қўлланилган. А.П.Бессонов эркинлиги бир ва икки бўлган звено массаси ўзгарувчан ротацион машинанинг динамик масалаларини ривожлантирган, машинали агрегат динамикаси масалаларини ҳал қилган. И.И.Вульфсон ўзининг илмий ишларини бир ва кўп массали ротацион механизмлар динамикасига бағишлаган бўлиб, ротацион механизмларнинг динамик ва математик моделларини тузган. Кўп массали ротацион механизмларни частотасини аниқлаш учун математик ифодалар яратган. Илмий ишлари натижалари энгил саноатда, тикув машиналарини лойиҳалашда татбиқ этилган.

Республикамизда ротацион типдаги механизмларнинг кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишни ривожланишига академик Ҳ.Ҳ.Усмонхўжаев ва унинг шогирдлари проф. Ғ.С.Кўзибаев, Ш.У.Раҳматқориев, А.Жўраев, Ш.П.Алимуҳаммедов, К.А.Каримов, Р.И.Каримов, А.А.Ризаев, Ғ.О.Баҳодиров ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ҳозирги кунда дунё илм-фананда машина ва механизмлар назарияси бўйича ишчи органлари оддий ва мураккаб ҳаракатланадиган машина агрегатлари илмий тадқиқотлар етарли даражада тадқиқ этилган. Аммо ишчи органлари масса марказининг радиус-вектори ўзгарувчан бўлган, ротацион ҳаракатланувчи механизмларнинг ўзгарувчан инерция моменти қонуниятлари машина агрегатлари назариясида етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Масса марказининг радиус-вектори ўзгарувчан бўлган машиналарнинг кўчиш, тезлик, тезланишларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш усуллари етарлича ёритилмаган. Бу масала машина агрегатлари ишчи органлари планетар юритмаларига ҳам маълум даражада тегишлидир. Шу боисдан бугунги кунда ротацион қурилмаларни ишлаб чиқиш устида назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш муҳим ҳисобланади. Янги конструкциялар ишчи органларининг параметрларини асослаган ҳолда ҳисоблаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-13-227 «Турли мақсадларга мўлжалланган композит материаллар ишлаб чиқариш саноатида минерал хомашё ва индустриал чиқиндилардан юқори дисперсли инградиентларни олиш учун юқори самарадор ва экспортга йўналтирилган дисмембратор (машина) ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси, «Диаметри 70 мм шар

прокатлаш мақсадида бандаж вали винтли калибрини таёрлашда токарли винт қирқиш дастгоҳи учун кулачок нусхалаш ва чашкали кескич тайёрлаш ва ишланмалари» («Узметкомбинат» АЖ, 2017-2019 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минерал хомашёларни майдалайдиган ротацион турдаги машина юритмаларни ишлов берилаётган материалнинг масса марказининг координатаси ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда ишчи органнинг кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш, ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш, планетар майдалагичнинг саноат намунасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минерал хомашёни майдалашда оддий ва мураккаб ҳаракатланадиган ишчи органда ишлов берилаётган материал масса маркази ҳаракатининг ўзгариши қонуниятларини аниқлаш учун аналитик ифодаларни ишлаб чиқиш;

аналитик ифодаларни ЭХМ ёрдамида ёритиш, ишлов берилаётган материал масса маркази ўзгарувчан ҳаракат қонуниятларини ўрнатиш, бу қонуниятларга таъсир қиладиган омилларни аниқлаш;

ишлов берилаётган материал масса маркази радиус-вектори ўзгарувчан бўлган ишчи органи ротацион типдаги юритмаларни кинетостатикасининг математик моделини асослаш ва яратиш;

аналитик натижаларни ЭХМда тавсифлаш учун дастур ишлаб чиқиш ва оддий ҳаракатни амалга оширадиган ишчи органи юритмасини, шунингдек, бир ва икки кўзгалувчан даражали планетар юритмалар кинематик жуфтларидаги реакцияларнинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

ишчи органи оддий ҳаракатланувчи ротацион типдаги дисмембраторни мувозанатлаш усулини ишлаб чиқиш;

ишчи органи мураккаб ҳаракатланувчи янги планетар юритмали хомашё майдалагичнинг рационал конструкциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида минерал хомашёларни майдалайдиган ротацион типдаги юритмалар олинган.

Тадқиқот предметини ишлов берилаётган материал масса маркази радиус-вектори ўзгарувчан бўлган оддий ва мураккаб ҳаракатланувчи ротацион ишчи органли юритмалар кинематикаси ва динамикаси моделлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, механизмлар ва машиналар назарияси, математик моделлаштириш, компьютернинг MathCAD15 муҳитида дастурлаш усуллари ва тажриба стендларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишчи органи оддий ва мураккаб ҳаракатланувчи ротацион турдаги машиналарда минерал хомашёларни масса маркази ўзгаришининг кинематик параметрларини аниқлайдиган аналитик ифодалар такомиллаштирилган;

ишлов берилётган материалнинг масса марказининг радиус-вектори ўзгарувчан бўлгандаги қонуниятлар майдалагичнинг ишчи органи ротацион турдаги юритмаларини кинетостатик тенгламалари ишлаб чиқилган;

олинган аналитик натижаларни компьютерда ечиш учун дастур ишлаб чиқилган, ишчи органи оддий ҳаракатни амалга оширадиган, шунингдек, бир ва икки эркинлик даражасига эга планетар юритмалар кинематик жуфтларида ҳосил бўладиган реакцияларни ўзгариш қонуниятлари аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

минерал хомашёларни майдалашда рационал конструкциялар ҳамда ишчи органи оддий ротацион ва мураккаб планетар юритмали майдалагични истиқболли тажриба нусхаси конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган тадқиқотлар натижасида минерал хомашёни майдалайдиган ишчи органи планетар юритмали конструкция ишлаб чиқилган, тажриба нусхаси тайёрланиб, лаборатория шароитида синовдан ўтказилган;

ишчи органи оддий, тез ҳаракатланадиган ротацион типдаги дисмембраторни мувозанатлаш шартлари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган ротацион типдаги юритмали майдалагичнинг такомиллаштирилган конструкцияси Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патентлари (FAP 00716 ва FAP 01328) билан ҳимояланган;

тоғ-кон саноатида рудаларни бойитишга тайёрлаш учун уларни сифатли майдалайдиган универсал планетар майдалагич конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий ва амалий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган минерал хомашёни майдалайдиган планетар юритмали конструкция лаборатория синовининг натижаларининг ижобийлиги, яратилган ҳисоблаш дастурлар ва стандарт ўлчаш воситаларидан олинган натижаларга мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ротацион юритма ишчи органи кинематик характеристикаларини аниқлаш учун тузилган дастурий маҳсулотлар ва оғирлик марказининг радиус-вектори ўзгарувчан етакланувчи звенонинг оддий ва мураккаб ҳаракатларида юритманинг кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минерал хомашё майдалагичларини Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та патенти билан ҳимояланган такомиллаштирилган конструкциясининг ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишчи органининг оғирлик маркази инерция радиуси ўзгарувчан бўлганда оддий ва мураккаб ҳаракатланадиган майдалаш машинасида минерал хомашёларни майдалашда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган майдалаш

механизмлари учун ротацион юритмаларнинг кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш тадқиқотлари бўйича олинган натижалар асосида:

рудани майдалаш учун такомиллашган конструкцияли, универсал майдалагич “Минерал ресурслар институти” Давлат корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 27 майдаги 05/11-сон маълумотномаси). Натижада минерал хом-ашёни универсал майдалагичи рудани майдалаш вақтини 2 баробар қисқартириш имконини берган;

рудани бойитишга тайёрлаш учун универсал планетар майдалагич қурилмасининг синов натижаларини ўтказиш усули “Минерал ресурслар институти” Давлат корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 27 майдаги 05/11-сон маълумотномаси). Натижада рудаларни майдалаш жараёнида электр энергияни 40-45% га тежашга эришилган;

универсал планетар майдалагичда частотали ўзгартиргични қўллаш усули “Минерал ресурслар институти” Давлат корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 27 майдаги 05/11-сон маълумотномаси). Натижада бу усул билан майдалагичнинг кинематик ва динамик характеристикаларини назорат қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 3 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси Республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 1 та дастурий маҳсулотга гувоҳнома, 2 та фойдали моделга патентлар берилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг ҳолати ва тадқиқот вазифаси**» деб номланган биринчи бобида звенолари оддий ва мураккаб ҳаракатланувчи ротацион механизмларнинг кинематикаси ва динамикасига бағишланган илмий изланишлар, шунингдек минерал хомашёларни майдалагич конструкциялари бўйича ишлар кўриб чиқилган.

Технологик машиналарнинг ишчи органлари оддий ва мураккаб ҳаракатланадиган ротацион юритмалари бўйича илмий тадқиқотлар таҳлили, бу йўналишда олиб борилган илмий ишларнинг кўплигига қарамасдан ишчи органи масса маркази ўзгарувчан бўлган радиус-векторининг кинематик параметрларини аниқлаш каби масалалар деярли кўрилмаган. Бу ротацион системаларнинг кинетостатикаси масалалари тадқиқ қилинмаган ва машина агрегати таркибида бу юритмаларни кўпроқ ўрганиш талаб қилинади.

Диссертациянинг «**Минерал хомашёни майдалагичнинг ишчи органи юритмаларининг кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида ишлов берилаётган материал масса марказининг ўзгарувчан бўлиши радиус-вектори ўзгариши маълум қонуниятга тушади. Кўчиши, тезлиги ва тезланишини аниқлашнинг аналитик ифодаларини ишлаб чиқишга, минерал хомашёни майдалагични ишчи органи юритмаси звеноларини юкланганлигини аниқлашга, ротацион типдаги бажарувчи механизмли машина агрегати динамикасини тадқиқ қилишга бағишланган.

Ҳозирги вақтда қурилиш, тоғ-кон саноати ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги технологик машиналарда ротацион типдаги майдалагичлар кенг қўлланилади. Ротацион механизмлар етарли даражада тадқиқ қилинганлигини қайд этиш лозим. Бироқ, ишчи органи ротацион механизмлар инерция моменти ўзгарувчанлиги етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса масса маркази радиуси-вектори ўзгарувчанлигидан мураккаб математик моделларни яратиш зарурати билан ифодаланади. Ротацион типдаги майдалагичлар бўйича адабиётларда инерция моментини ўзгарувчанлиги деярли ҳисобга олинмаган.

Ишчи органи оддий ҳаракатланувчи ротацион майдалагичнинг ишлов берилаётган материал масса маркази проекциясини координата ўқида аниқлаш учун қуйидаги аналитик ифодалар олинган:

$$x_c(t) = R_m(t) \cos(\omega t), \quad (1)$$

$$y_c(t) = R_m(t) \sin(\omega t), \quad (2)$$

бу ерда $x_c(t)$, $y_c(t)$ – ишлов берилаётган материал масса марказининг координата ўқидаги проекцияси, $R_m(t)$ - ишлов берилаётган материал масса марказининг ишчи барабанныннг конструктив параметрларига боғлиқ бўлган $R_m(t) = K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega t)$ ўзгарувчан радиуси, R_0 - ишлов берилаётган материал масса марказининг ўртача радиуси; ω – ишчи барабан бурчак тезлиги; K_1 , K_2 , K_3 – доимий коэффициентлар, бу ишчи органнинг конструктив ва технологик параметрларига боғлиқ.

$$\mathcal{G}_{CX}(t) = K_2 K_3 R_0 \omega \cos(K_3 \omega t) \cos(\omega t) - \omega \sin(\omega t) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega t)), \quad (3)$$

$$\mathcal{G}_{CY}(t) = \omega \cos(\omega t) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega t)) + K_2 K_3 R_0 \omega \cos(K_3 \omega t) \sin(\omega t), \quad (4)$$

$$\mathcal{G}_c(t) = \sqrt{\mathcal{G}_{CX}^2(t) + \mathcal{G}_{CY}^2(t)}; \quad (5)$$


бу ерда \mathcal{G}_{CX} , \mathcal{G}_{CY} - тезликларнинг кордината ўқидаги проекцияси, \mathcal{G}_c - ишлов берилётган материал масса маркази тезлигининг абсолют катталиги;

$$a_{CX}(t) = \omega^2 \cos(\omega t) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega t)) - 2K_2 K_3 R_0 \omega^2 \cos(K_3 \omega t) \sin(\omega t) - K_2 K_3^2 R_0 \omega^2 \sin(K_3 \omega t) \cos(\omega t), \quad (6)$$

$$a_{CY}(t) = 2K_2 K_3 R_0 \omega^2 \cos(K_3 \omega t) \cos(\omega t) - \omega^2 \sin(\omega t) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega t)) - K_2 K_3^2 R_0 \omega^2 \sin(K_3 \omega t) \sin(\omega t), \quad (7)$$


$$a_c(t) = \sqrt{a_{CX}^2(t) + a_{CY}^2(t)}, \quad (8)$$

бу ерда a_{CX} , a_{CY} - тезланиш векторининг координата ўқидаги проекцияси, a_c - ишлов берилётган материал масса маркази тезланишининг абсолют катталиги.



1-расм. Ишлов берилётган материал масса маркази ўзгарувчан (б) ротацион механизмнинг кинематик схемаси (а)

Ротацион механизм кинематик жуфтликларида ҳаракатланувчи кучларни аниқлаш ротацион лойиҳалашда муҳим аҳамиятга эга. Механизм ҳаракатланганда унинг турли звеноларига таъсир қилувчи кучни механизмнинг барча звеноларининг ҳаракатланиш қонунлари ва механизм звеноларига қўйилган ташқи кучлар ва моментлар маълум бўлганидагина ҳисоблаш мумкин.



2-расм. Бир ва икки массали бўлган ротацион юритмали майдалагичнинг динамик модели а) абсолют қаттиқ звеноли б) эластик муфтанинг эластиклигини ҳисобга олган ҳол

Звенолари абсолют қаттиқ деб олинган машина агрегат учун қуйидаги тенгламалар тузилди:

$$\frac{dM_\delta}{dt} = 2M_\kappa \omega_c - 2PM_\kappa \dot{\varphi}_1 u_{\delta 1} - \omega_c s_\kappa M_\delta, \quad (9)$$

$$J_{np} \ddot{\varphi}_1 + \frac{\dot{\varphi}_1^2}{2} \frac{dJ_{np}}{d\varphi_1} = M_{\delta.np.} - M_{c.np.}$$

Муфтанинг эластиклиги ҳисобга олинганда машина агрегатнинг математик модели қуйдаги кўринишда бўлади:

$$I_\delta \ddot{\varphi}_\delta = M_\delta + b_1 (\dot{\varphi}_p - \dot{\varphi}_\delta) + c_1 (\varphi_p - \varphi_\delta), \quad (10)$$


$$I_{np.p} \ddot{\varphi}_p = -b_1 (\dot{\varphi}_p - \dot{\varphi}_\delta) - c_1 (\varphi_p - \varphi_\delta) - M_{c.np.}$$

(1)-(10) тенгламалар компьютернинг MathCAD15 муҳитида амалга оширилган. Компьютерда олинган натижалар тахлили $r_0 = 0,5$ м, $m = 10$ кг бўлганида ишчи барабан валининг ўрта бурчак тезлигини 10 дан 100 c^{-1} гача ошиши билан ишчи барабан таянчларидаги реакция тебранишлари кенглиги 70,08 дан 5156,3 Н гача ўсишини кўрсатди.

Ҳисоблаш натижалари янги шарли майдалагичларни лойиҳалашда қўлланилади.

Диссертациянинг учинчи «**Минерал хом ашёни майдалагични ишчи органлари планетар юритмаларини кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш**» бобида минерал хомашёни майдалагичнинг ишчи органлари планетар юритмаларининг кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш бўйича натижалар келтирилган.

Минерал хомашёларни кичик миқдорларда майдалашда планетар майдалагичлар кенг қўлланилади. Бу майдалагичларнинг ишчи органлари планетар механизмларнинг сателлитлари билан боғлиқ. Планетар механизмларни тадқиқ қилиш ва лойиҳалаш назарияси етарли даражада тадқиқ қилинганлигини қайд этиш лозим. Сателлити ўзгарувчан инерция моментли планетар механизмлар адабиётларда деярли ёритилмаган. Шунинг учун ўзгарувчан инерция моментли планетар механизмларни лойиҳалаш масалалари планетар майдалагичларни лойиҳалаш методларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Планетар майдалагичларда ишчи органи инерция моментининг ўзгарувчанлиги сателлит билан боғлиқ бўлиб, ишлов берилётган материал масса маркази радиус-векторининг ўзгарувчанлигидан келиб чиқади.



1- қўзғалмас марказий ғилдирак,
 H – етакловчи водила, 2 - сателлит,
 R_m - ишлов берилётган материал
 радиус-вектори, ω_n – водиланинг
 бурчак тезлиги, C – ишлов
 берилётган материал масса маркази
**3-расм. Ишлов берилётган материал
 масса маркази ўзгарувчан планетар
 механизмнинг кинематик схемаси**

Бу механизмда сателлитнинг бурчак кўчиши ишчи органи ичида ишлов берилаётган материал бўлган барабани ҳаракатга келтиради. Сателлитнинг бурчак тезлиги ишчи барабанинг бурчак тезлигига мос келади. Бу механизм биринчи даражали кўзгалувчанликка эга, яъни етакловчига бурчак тезликни бериб сателлитни бурчак тезлигини аниқлаш мумкин.

Кинематик схемаси 3-расмда келтирилган планетар майдалагични кўриб чиқамиз. Ишлов берилаётган материал масса марказининг кинематик параметрларини аниқлаш учун қуйидаги аналитик ифодалар таклиф қилинган:

$$x_c(t) = A \cos(\omega_H t) - R_m(t) \cos(u_{2H} \omega_H t), \quad (11)$$

$$y_c(t) = A \sin(\omega_H t) - R_m(t) \sin(u_{2H} \omega_H t), \quad (12)$$

бу ерда

$$R_m(t) = K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega_2 t), \quad A = (R_1 + R_2).$$

Виллис формуласи асосида $\omega_2 = \omega_H (1 - u_{21}^{(H)})$ ифодаланган, $R_m(t)$ - ишлов берилаётган материал масса марказининг ўзгарувчан радиуси; A - етакловчи водила узунлиги; R_1, R_2 - тишли ғилдиракларнинг айланани бўлувчи радиуслар; R_0 - ишлов берилаётган материал масса марказининг ўрта радиуси; K_1, K_2, K_3 - қиймати ишлов берилаётган материал таркибига ва барабанинг конструктив параметрларига боғлиқ бўлган доимий коэффициентлар; $x_c(t), y_c(t)$ - ишлов берилаётган материал масса марказининг координата ўқидаги проекциялари.

Ишлов берилаётган материал масса маркази тезлигининг координата ўқидаги проекциялари қуйидаги ифодалар билан аниқланди:

$$\begin{aligned} \mathcal{G}_{cx}(t) = & u_{2H} \omega_H \sin(u_{2H} \omega_H t) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega_2 t)) - \\ & - A \omega_H \sin(\omega_H t) - K_2 K_3 R_0 \omega_2 \cos(u_{2H} \omega_H t), \end{aligned} \quad (13)$$

$$\begin{aligned} \mathcal{G}_{cy}(t) = & A \omega_H \cos(\omega_H t) - u_{2H} \omega_H \cos(u_{2H} \omega_H t) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega_2 t)) - \\ & - K_2 K_3 R_0 \omega_2 \cos(K_3 \omega_2 t) \sin(u_{2H} \omega_H t). \end{aligned} \quad (14)$$

Ишлов берилаётган материал масса марказининг абсолют тезлиги қуйидаги формула билан аниқланган:

$$\mathcal{G}_c = \sqrt{\mathcal{G}_{cx}^2 + \mathcal{G}_{cy}^2}. \quad (15)$$

Ишлов берилаётган материал масса маркази тезланишининг координата ўқидаги проекциялари қуйидаги ифодалар билан аниқланади:

$$\begin{aligned} a_{cx}(t) = & u_{2H}^2 \omega_H^2 \cos(u_{2H} \omega_H t) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega_2 t)) - A \omega_H^2 \cos(\omega_H t) - \\ & - K_2 K_3^2 R_0 \omega_2^2 \sin(K_3 \omega_2 t) \cos(u_{2H} \omega_H t) + 2 K_2 K_3 R_0 u_{2H} \omega_2 \omega_H \cos(K_3 \omega_2 t) \sin(u_{2H} \omega_H t), \end{aligned} \quad (16)$$

$$\begin{aligned} a_{cy}(t) = & u_{2H}^2 \omega_H^2 \sin(u_{2H} \omega_H t) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 \omega_2 t)) - A \omega_H^2 \sin(\omega_H t) + \\ & + K_2 K_3^2 R_0 \omega_2^2 \sin(K_3 \omega_2 t) \sin(u_{2H} \omega_H t) - K_2 K_3 R_0 u_{2H} \omega_2 \omega_H \cos(K_3 \omega_2 t) \cos(u_{2H} \omega_H t); \end{aligned} \quad (17)$$


Ишлов берилаётган материал масса марказининг абсолют тезлиги қуйидаги формула билан аниқланган:

$$a_c = \sqrt{a_{cx}^2 + a_{cy}^2}. \quad (18)$$

(11) – (18) аналитик ифодалар компьютернинг MathCAD15 муҳитида амалга оширилган. Ҳисоблаш натижалари асосида $x_c(t)$, $y_c(t)$, $v_{cx}(t)$, $v_{cy}(t)$, $a_{cx}(t)$, $a_{cy}(t)$ ларнинг ўзгариш қонуниятлари сонли ва график кўринишда аниқланган.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, етакловчининг водила бурчак тезлиги 20 дан 80 рад/с га ошиши билан ишлов берилаётган материал масса маркази тезлигининг абсолют катталигининг тебраниш кенглиги 28,54 дан 114,15 м/с га ўсади, худди шу вақтда абсолют тезланишнинг тебраниш катталиги 3983 дан 63730 м/с² га ортади. Шуни таъкидлаш керакки, ишлов берилаётган материал масса маркази тезланишининг бундай тебраниши ишлов берилаётган материални майдалаш жараёнининг сезиларли яхшиланишига олиб келади.

Қуйидаги куч ва момент таъсир қиладиган саттелит 2 ва Н етакловчи водилани (4-расм) кўриб чиқамиз:



4-расм. Саттелит (а) ва етакловчи водилага (б) таъсир кучларини ҳисоблаш схемаси

Бу ерда R_{21} - саттелит 2 га қўзғалмас қилдирак томонидан кўрсатилган ҳаракат реакцияси; R_{O_2x} , R_{O_2y} - саттелит таянчларига таъсир этувчи реакция кучининг ташкил этувчилари; F_{ucx} , F_{ucy} - ишлов берилаётган материал масса марказига таъсир этувчи инерция кучининг ташкил этувчилари; R_{2H}^x , R_{2H}^y - саттелит томонидан етакловчи водилага таъсир этувчи реакция кучининг ташкил этувчилари; R_{H2}^x , R_{H2}^y - етакловчи водила таянчларига таъсир этувчи реакция кучи ташкил этувчилари; F_{uHx} , F_{uHy} - етакловчи водиланинг масса марказига таъсир этувчи инерция кучининг ташкил этувчилари; M_y - етакловчи водилага таъсир қилувчи тенглаштирувчи момент, $\varphi_H = \omega_H t$. Бу ерда ω_H - етакловчи водиланинг бурчак тезлиги; t - вақт, $F_{ucx} = -m_2 a_{cx}$, $F_{ucy} = -m_2 a_{cy}$, $m_2 = m_6 + m_c$, m_2 - ишлов берилаётган материал массаси.

Инерция моменти ўзгарувчан сателлитли планетар механизм кинетостатикасини тавсифловчи тенгламалар системаси олинган:

$$\begin{cases} r_2 R_{21} \cos \alpha - F_{ucx} r \sin(1 + z_1/z_2) \varphi_H + F_{ucy} r \cos(1 + z_1/z_2) \varphi_H = 0, \\ R_{21} \cos \alpha \cos(\pi/2 - \varphi_H) - R_{21} \sin \alpha \cos \varphi_H + R_{o2x} + F_{ucx} = 0, \\ -R_{21} \cos \alpha \sin(\pi/2 - \varphi_H) + R_{21} \sin \alpha \sin \varphi_H + R_{o2y} + F_{ucy} = 0, \\ M_y + F_{uHx} H/2 \cos \varphi_H - F_{uHy} H/2 \sin \varphi_H - R_{oHx} H \cos \varphi_H + R_{oHy} H \sin \varphi_H = 0, \\ R_{oHx} - R_{o2x} + F_{uHx} = 0, \\ R_{oHy} - R_{o2y} + F_{uHy} = 0. \end{cases} \quad (19)$$

(19) алгебраик тенгламалар системаси компьютернинг MathCAD15 муҳити орқали ечилган.

Ҳисоблаш натижаларидан олий кинематик жуфтлик R_{21} сателлит таянчларига, водила етакловчига тўла реакция ташкил этувчиларга, водила етакловчи валида тенглаштирувчи моментга таъсир этувчи ташкил этувчилар ва тўлиқ реакцияларни ўзгариш қонуниятлари аниқланган.

Кўрилатган планетар механизм параметрларининг кинематик жуфтликларида юкланганлиги таъсирини ўрганиш мақсадида кинематик жуфтликларда тишли ғилдиракларнинг реакциялари етакловчининг бурчак тезлиги, ишлов берилатган материал m_2 массаси, ишлов берилатган материал масса марказининг ўртача радиус-вектори вариациясида аниқланган.

Планетар механизмларни лойиҳалашда олий кинематик жуфтликлардаги реакция катталиги муҳим аҳамиятга эга, чунки тишлар орсидаги контакт чизик бўйлаб амалга оширилади.

Шундай қилиб, олинган натижалар таҳлили қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1) етакловчи бурчак тезлигини ω_H нинг 5 дан 20 c^{-1} га ортиши билан R_{21} кўзгалмайдиган ғилдирак томонидан сателлитга таъсир реакцияси максимал катталиги $0,23 \cdot 10^4$ дан $3,78 \cdot 10^4$ H га ортади;

2) ишлов берилатган материал массасининг m_2 5 дан 20 кг га ортиши реакцияни R_{21} $0,788 \cdot 10^4$ дан $3,15 \cdot 10^4$ H ортишига олиб келади.

Майдалагич планетар юритмаси звенолари ҳаракатининг ҳақиқий қонунларини аниқлаш мақсадида ушбу система машина агрегати кўринишида кўриб чиқилган:

$$\begin{aligned} \frac{dM_o}{dt} &= 2M_k \omega_c - 2PM_k \dot{\varphi}_H u_{oH} - \omega_c s_k M_o, \\ J_{np.H} \ddot{\varphi}_H + \frac{\dot{\varphi}_H^2}{2} \frac{dJ_{np.H}}{d\varphi_H} &= M_{o,np.H} - M_{c,np.H}; \end{aligned} \quad (20)$$

бунда J_o – электродвигатель роторининг инерция моменти; $J_{np.ped}$ – айланувчи массанинг инерция моменти водила валига келтирилгани; J_H – водиланинг

айланиш ўқиға нисбатан инерция моменти; J_c – сателлитнинг ўз ўқиға нисбатан инерция моменти; $J_{p.б}$ – сателлит ўқиға нисбатан ишчи барабан инерция моменти; $u_{2H}^{(1)} = (1 + R_1/R_2)$ – водила вали ва сателлит валлари орасидаги узатиш нисбати; $m_c, m_{p.б}, m_{o.м}$ – мос равишда ишлов берилётган материал, ишчи барабан ва сателлит массалари.

Бунинг учун планетар бажарувчи механизмли машина агрегатининг бир массали динамик модели тузилган. Динамик модель тузишда механизмнинг ҳамма звенolari мутлақ қаттиқ деб қабул қилинган. Келтириш звеноси сифатида етакловчи вал ишлатилган. Тузилган динамик модел учун асинхрон электр двигателининг чизиқлаштирилган динамик характеристикасин ҳисобга олган ҳолда ушбу машина агрегатининг математик модели олинган. Юритманинг механик қисмини таърифлайдиган тенглама тузишда момент кўринишидаги машина агрегати ҳаракатининг таниқли тенгламаси қўлланилган. Кўрилатган машина агрегатининг ўзига хос хусусияти келтирилган инерция моментининг ўзгарувчанлигидир.

Олинган дифференциал тенгламалар системаси компьютернинг MathCAD 15 муҳитида амалга оширилган. Компьютерда ҳисоблаш натижалари асосида момент, асинхрон электродвигателда содир бўлган бурчак тезлиги ва тезланиши ўзгаришининг ҳақиқий қонунлари, шунингдек бу катталикларнинг тебраниш кенглиги аниқланган.

Ҳисоблаш натижаларига кўра узатиш муносабатлари $u_{oH} = 5$ дан $u_{oH} = 18,64$ га ортиши билан электродвигатель ротори валида ҳаракатланувчи момент тебраниши кенглиги 1,42 дан 4,82 Нм га ортади. Шу билан бирга водила етакловчи вали ω_H бурчак тезлиги тебраниши кенглиги 0,32 дан $1,07 \text{ c}^{-1}$ га ортади, водила етакловчининг ε_H бурчак тезланиши тебраниши кенглиги эса 8,24 дан $27,8 \text{ c}^{-2}$ га мос равишда ортади.

Планетар бажарувчи механизмли машина агрегатининг кинематик ва динамик параметрларини қиёсий таҳлили ишчи барабан билан боғланган сателлит инерция моментининг ўзгарувчанлиги сателлит инерция моменти ўзгармас бўлган планетар бажарувчи механизмга нисбатан кинематикаси ва динамикасига жиддий таъсир кўрсатади:

$$J_{np.H} = J_{\partial} u_{oH}^2 + J_{np.ped} + J_H + (m_c + m_{p.б} + m_{o.м})(r_1 + r_2)^2 + J_c (u_{2H}^1)^2 + J_{p.б} (u_{2H}^1)^2 + m_{o.м} R_M(t) (u_{2H}^1)^2, \quad (21)$$

$$\frac{dJ_{np.H}}{d\phi_H} = 2K_2 K_3 R_0 u_{2H} \cos(K_3 u_{2H} \phi_H) (K_1 R_0 + K_2 R_0 \sin(K_3 u_{2H} \phi_H)). \quad (22)$$

Шундай қилиб, сателлитнинг инерция моменти ўзгарувчан бу планетар механизми одатдаги планетар механизмдан фарқли равишда келтирилган, ўзгарувчан инерция моментига эга. Бу хусусиятни машина агрегати кўринишидаги планетар майдалагичларнинг динамикасини тадқиқ қилишда эътиборга олиш зарур.

Диссертациянинг тўртинчи «**Минерал хомашё майдалагичлари ишчи органлари юритмаларининг истиқболли конструкцияларини экспериментал тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш**» бобида дисмембратор роторини статик мувозанатлаштириш, минераль хомашёни универсал майдалагични лойиҳалаш, шунингдек дисмембраторларни замонивайлиштириш масалалари кўрилган.

Роторни статик мувозанатлаштириш маълум методика бўйича амалга оширилган.

Дисмембратор роторини статик мувозанатлаш натижалари бўйича қўшимча масса $m=250$ гр ва қўшимча массани ўрнатиш радиуси 300 мм аниқланган.


Планетар майдалагичларнинг камчиликларини ҳисобга олган ҳолда минерал хомашё майдалагични 6-расмда келтирилган универсал конструкцияси таклиф қилинган.



5-расм. Дисмембратор ротори

Кўрилаётган конструкциянинг ўзига хос хусусияти, бу унинг оддий шарли майдалагич сифатида ҳамда планетар майдалагич сифатида ишлай олишидир. Бундан ташқари юритманинг планетар қисми бир ёки икки даражали ҳаракатланишга эга.

Машина ва механизмлар назариясининг маълум методлари асосида таклиф қилинаётган универсал майдалагич параметрларини, хусусан, тишли ғилдирақларнинг тишлари сони, парметрлари, шунингдек универсал планетар майдалагич звенолари орасидаги узатиш муносабатларининг синтези бажарилган. Универсал планетар майдалагичнинг ишчи чизмалари ишлаб чиқилган. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда универсал планетар майдалагичнинг 6-расмда кўрсатилган лаборатория намунаси тайёрланган.



а)




б)

1 - планетар механизм етакловчиси юритмаси учун электродвигатель, 2- етакловчи юритмаси учун тасмали узатма, 3 - марказий ҳаракатланадиган ғилдирак юритмаси 5 учун электродвигатель, 4 - марказий ғилдирак юритмас 5 учун тасмали узатма, Н – вода, 6 - сателлит, 7 - ишчи барабан, 8 - ишчи барабан ишлаш режимини ўзгартирувчи

6-расм. Универсал планетар майдалагич а) ишчи йиғма чизмаси б) тайёрланган лаборатория намунаси

Ушбу лаборатория намунасини синовдан ўтказишда, бир хил хажмда олинган минерал хомашёни майдалашда майдалаш вақтини қисқариши ҳисобига унинг энергия истеъмоли оддий шарли майдалагичга нисбатан икки баробар камлигини кўрсатди.

Ротацион турдаги юритмали майдалагичларни майдаланаётган материал сифатини яхшилаш имконини берадиган дисмембратор конструкциясини модернизациялаш учун 7-расмда келтирилган янги конструкцияси таклиф этилди.



7-расм. Ротацион типдаги минерал хомашё майдалагич ишчи органининг таклиф қилинаётган янги конструкцияси

Бу конструкция майдаланаётган материал характеристикаси бўйича майдалаш даражасини таъминловчи ротацион типдаги майдалагичда майдалашнинг технологик жараёнини тўхтатмасдан кўзгалмас диск бармоқлари орасидаги тирқиш катталигини бошқаришни енгиллаштириш имконини беради. Бу конструкция Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлиги томонидан берилган фойдали модель учун патент (№FAP 01328) билан ҳимояланган.

ХУЛОСА

«Минерал хомашёларни майдалайдиган ротацион турдаги юритмаларнинг кинематикаси ва динамикасини моделлаштириш» мавзuidaги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Майдалаш механизмларини ротацион турдаги юритмаларнинг назарий асослари ва янги қурилмаларини ишлаб чиқишда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланишга асосланди. Ушбу натижа технологик жараёнларга мос янги авлод ротацион механизм қурилмаларини ишлаб чиқишда, ҳисоблаш усулларини енгиллаштиришга хизмат қилади.

2. Ротацион турдаги майдалагичнинг оддий ҳаракатланувчи ишчи органининг масса маркази инерция радиуси ўзгарувчан бўлган ҳол учун

кинематик ва динамик моделлари ишлаб чиқилди. Ҳисоблашлар асосида барабан ишчи органи таянчларидаги реакциялар қиймати 70,08 дан 5156,3 H гача ортиши аниқланди. Ушбу натижалар ротацион юритмали механизм звеноларини динамик мустақамликка ҳисоблаш, таянч подшипникларини аниқ танлаш имконини беради.

3. Планетар механизм ишчи органи учун сателлитга боғланган ҳолда ишлов берилётган материал масса марказининг кинематик параметрларини аниқлаш учун аналитик ифодалар ишлаб чиқилган. Натижалар таҳлили водиланинг бурчак тезлиги 20 дан 80 c^{-1} га ортиши билан ишлов берилётган материал масса маркази тезлиги абсолют қиймати 28,54 дан 114,15 m/c гача ўсишини, шу билан бирга тезланиш абсолют қиймати 3983 дан 63730 m/c^2 га ортишини кўрсатди. Тезланишнинг бундай ўзгариши майдалаш вақтини қисқартириб, хомашёни майдалаш жараёни сифатини яхшилашга олиб келади.

4. Радиус-вектори ўзгарувчан ишчи органли планетар механизм кинетостатикасининг математик модели тузилди. Ҳисоблаш асосида водиланинг бурчак тезлиги 5 дан 20 c^{-1} гача ортиши билан сателлитга қўзғалмас ғилдирак томонидан олий кинематик жуфтларида реакциясининг максимал қиймати $0,23 \cdot 10^4$ дан $3,78 \cdot 10^4 H$ га ортиши аниқланди. Бу натижа билан звенолар мустақамликка ҳисобланади ва таянч подшипниклари аниқ танланади.

5. Ротацион турдаги диссMEMБРАТОР ишчи органида минерал хомашёни майдалашда мувозанатлаш талаб қилинади. Бунда ишчи орган вазни 75 кг бўлганда, 250 gr массали дебаланс айланиш ўқидан 300 mm радиус масофада аниқланган нуқтага маҳкамланиб, мувозанатлашга эришилди.

6. Минерал хомашёларни майдалашда рационал планетар юритмали майдалагич конструкцияси ишлаб чиқилди. Ушбу конструкция мавжуд ротацион юритмали планетар майдалагичларнинг камчиликларини бартараф этишга имкон беради. Ушбу конструкциядан фойдаланиш тоғ-кон рудаларини бойитишга тайёрлаш учун майдалаш жараёнида вақт, металл ва энергия тежамкорлигини таъминлайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси тасарруфидаги «Минерал ресурслар институти» Давлат корхонасининг лабораториясида тажриба синовлари ўтказилган универсал планетар майдалагич конструкциясининг параметрлари асосланди. Қурилманинг оддий ва мураккаб ҳаракатида ишлаш режимлари таққосланиб, рационал режимлари аниқланди. Натижада майдалаш жараёнларида фойдали иш коэффициентини 7-10% га ортди. Битта универсал планетар майдалагич қурилмасининг кутилаётган йиллик умумий иқтисодий самарадорлиги 50 млн. сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

НЕМАТОВ ЭРКИНЖОН ХАМРОЕВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ КИНЕМАТИКИ И ДИНАМИКИ ПРИВОДОВ
РОТАЦИОННОГО ТИПА ИЗМЕЛЬЧИТЕЛЕЙ МИНЕРАЛЬНОГО
СЫРЬЯ**

05.02.02 – Теория механизмов и машин, машиноведение и детали машин

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.3.PhD/Т360.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице www.tdtu.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:	Каримов Расул Исмокович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович доктор технических наук, профессор Умурзаков Акрамжон Хакимович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт механики и сейсмостойкости сооружений имени М.Т. Уразбаева

Защита диссертации состоится «12» октября 2019 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.Т.03.04 при Ташкентском государственном техническом и национальном университетах. Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская 2. Тел./факс: (99871) 246-46-00 / 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №109). (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации разослан «28» сентября 2019 г.
(реестр протокола рассылки №98 от «28» сентября 2019 г.)

К.А. Каримов
Председатель Научного
совета по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Н.Д. Тураходжаев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

А.А. Ризаев
Заместитель председателя Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире развитие машиностроительной промышленности, создание для всех отраслей производства высоких технологий, новых установок механизмов и машин, соответствующих мировым стандартам, проведение теоретических исследований, решение актуальных научно-практических задач приобретают особое значение. Вместе с тем, одной из важных задач современной теории механизмов и машин является моделирование кинематики и динамики приводов ротационного типа. В этом отношении в ряде научно-исследовательских центров развитых стран, в том числе Англии, Швеции, Китае, России, Индии и других уделяется особое внимание на проектирование приводов ротационного типа с переменным моментом инерции. Актуальность таких задач определяется сложностью математических моделей, при решении которых необходимо использование методов и средств современных компьютерных технологий. Международная организация (IFToMM) по механизмам и машинам в своих решениях неоднократно отмечала о необходимости развития научных исследований по приводам ротационного типа. В современных технологических машинах широко используются ротационные приводы, звенья которых совершают сложное движение. Уделяется особое внимание на проведение исследований этих приводов с учетом переменности момента инерции рабочего органа, связанного с технологическими процессами.

В мире широко применяются современные машины ротационного типа для измельчения минерального сырья. В широком аспекте ведутся исследования по созданию конструкций ротационного типа, а также методов расчета машин и механизмов. Применению этих механизмов в технологических машинах уделяется особое внимание. Считаются необходимым разработку высокопроизводительных измельчительных машин с улучшенными технологическими показателями, создание новых поколений техники и технологий по переработке минерального сырья, обеспечение рациональных режимов и показателей работы приобретают важное значение в горной, пищевой и строительной промышленности, в фармацевтике и других отраслях.

В нашей Республике проводится ряд мероприятий по разработке новых теоретических методов расчета и созданию приводных механизмов ротационного типа, а также по развитию дальнейших научных в этом направлении исследований. В рамках Стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, в частности по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики, уменьшению расходов энергии и ресурсов, широкому внедрению энергосберегающих технологий»¹. В связи с этим важными задачами

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

являются разработка новой конструкции перспективного планетарного привода измельчителя минерального сырья, определение основных конструктивных параметров для изготовления деталей планетарного привода измельчителя минерального сырья с ресурсосберегающими узлами, снижение энергопотребления, создание технологии изготовления новых конструкций узлов.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП №4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», ПП №2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики по направлению II. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

